




uzbunyodkor



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkori@mail.ru



МУҲИМ МАВЗУДАГИ АНЖУМАН

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси томонидан «2020 йилда амалга оширилган инвестиция лойиҳалари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда уюшма раҳбарияти ва мутахассислари иштирок этиб, янги турдаги қурилиш материаллари, жорий йилда амалга оширилган инвестиция лойиҳалари, янги ташкил этилаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари хусусида маълумот берилди.



беришни кенгайтириш ишлари амалга оширилди.

2020 йилнинг январь-ноябрь ойларида ушбу инвестиция лойиҳалари бўйича 273 млн доллар миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Яна 232,9 млн долларлик 12 та лойиҳа ишга туширилди.

– 2020 йилда 17 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва 357,9 млн доллар миқдордаги инвестицияларни ўзлаштириш белгиланган, – деди уюшма раисининг биринчи ўринбосари Азизбек Баҳодиров. – Инвестиция дастурининг прогност параметрларини таъминлаш мақсадида, қўшимча 18 та лойиҳа киритилди. Жумладан, қиймати 6,4 млн доллар бўлган «Евро Глобал Инвест» МЧЖда йирик ўлчамли темир-бетон буюмлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, 1,4 млн долларга тенг «Ориент Керамик» МЧЖда керамик плиткалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, 400 минг доллар эвазига «Каракалпак Цемент» МЧК ҚҚда цементни бозорга етказиб

ши муносабати билан 1 524 та янги иш ўринлари ташкил этилиши кўзда тутилган. Якунланаётган йилда қурилиш материаллари соҳасида умумий қиймати 12 трлн 490 млрд сўмлик 1 061 та лойиҳа ўзлаштирилди. Анжуманда маълум қилингандек, мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижасида янги турдаги импорт қурилиш материалларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тадбирда соҳа мутасаддилари ОАВ ходимларига 2021 йилдаги муҳим режа ва истиқболли лойиҳалар борасида маълумотлар берилди.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
«O'zbekiston bunyodkori»
мухбири.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожига муҳим ҳисса қўшилади

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Амударё тумани мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан узилиб қолган, шунингдек, темир йўл тармоқларига ҳам тўғридан-тўғри боғланиш имкони мавжуд эмас.

Автомобиль транспорти қатнови ҳам чекланган, чунки Амударёдан ўтиш учун фақат понтон кўприкдан фойдаланилади. Понтон кўприги 1938 йилда қурилган бўлиб, айни пайтда у занг босиб, анча эскирган ва фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолган. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жорий йил 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятига қилган ташрифи чоғида Амударё устида Хоразмни Қорақалпоғистон билан боғлайдиган 413 метрлик кўприк, Қораўзақ туманидан Шовот туманигача 79 километрлик темир йўл қурилиши бўйича топшириқ берган эди.

Автомобиль ва темир йўл транспорти учун мўлжалланган қўшма кўприк икки ҳудудни бирлаштирибгина қолмай мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширади, манзилларни яқинлаштиради. Йўловчи ва юкларнинг хавфсизлигини таъминлайди. Амударёнинг сув ости олами ва унинг оқимиға таъсир кўрсатмайди.

Дарҳақиқат, йўл инфраструктурасини яхшилаш мақсадида, Хоразм вилоятини Қорақалпоғистон Республикаси билан боғловчи Амударё устидан ўтадиган 413 метр бўлган темир йўл ва автомобиль йўли қўшма кўпригини қуриш ишларига старт берилди. Бунинг учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 40 миллион доллар кредит ажратилади.

Лойиҳа «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг ўз маблағлари ва жалб қилинган кредит ресурслари ҳисобидан амалга оширилади. Кўприк қурилиши «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти таркибига кирувчи «Кўприкқурилиш трести» унитар корхонаси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида мазкур кўприк қурувчи корхона томонидан умумий узунлиги 66 километр ва ўртача баландлиги 7 метр бўлган 353 та кўприк ва йўл ўтказгичлар, узунлиги 11 километр бўлган 210 та турли хилдаги суْنый иншоотлар барпо этилган.

Кўприкнинг қурилиши Россия ва Қозоғистондан юкларни ташиш масофасини 240 километрга, юкларни ташиш вақтини эса 6 соатга қисқартиради. Шундай қилиб, юк ташиш ҳажми икки баравар кўпаяди ва йилига 25 миллион тоннани ташкил этади. Республикаимизнинг юқоридаги минтақалари ривожланиб бориши билан иқтисодий самарадорлик йилига қўшимча 150 миллиард сўмга ошади. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикасидан Хоразм вилоятига инерт материалларни етказиб бериш харажатлари камаюди, бу эса ижтимоий объектлар ва инфратузилмаларни қуриш харажатларини камайтиради.

– Корхонамиз мутахассислари учун мазкур кўприк лойиҳаси янгилик эмас, – дейди «Кўприкқурилиш трести» унитар корхонасига қарашли 14-кўприкқурилиш отряди бош муҳандиси Ғулом Бектемиров. – Чунки биз олдин ҳам Хоразм шароитида узунлиги 660 метр бўлган Амударё узра худди шундай қўшма Тошсоқа кўприги, Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўл линиясида умумий узунлиги 3 874 метр бўлган 42 та кўприк ва йўл ўтказгичлар, Ангрен –

Поп темир йўл линиясида 17 та кўприк ва туннель қўринишидаги 4 та йўл ўтказгич ҳамда умумий узунлиги 5 685 метр бўлган 60 та суْنый иншоотлар ва Тошкент – Самарқанд, Тошкент – Бухоро, Тошкент – Шахрисабз йўналишларида юқори тезликдаги ҳаракатга мўлжалланган 18 та кўприкни қурганимиз. Япония компаниялари билан биргаликда 5 та мураккаб конструкцияли темир йўл кўприклари лойиҳасини амалга оширганмиз. Корхонаимизнинг ишлаб чиқариш бўлиммалари мингдан ортқ замонавий маҳсус қурилиш техникалари билан жиҳозланган. Корхонада 10 мингга яқин малакали муҳандис, мутахассис ва қурувчилар ишлайди.

Амударё узра қуриладиган кўприкнинг металл конструкциялари хорижий ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда маҳсус пўлатдан тайёрланади. Кўприк қурилишига етакчи хорижий компаниялар мутахассислари ва маслаҳатчилари ҳам жалб қилинган. Мазкур лойиҳа 2022 йилнинг сентябрь ойигача қуриб битказилиши мўлжалланмоқда.

Кўприк қурилишига тамаал тоши қўйилди. Янги кўприк қурилиши бошланган муносабати билан тантанали тадбир ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Ачилбай Раматов, Хоразм вилояти ҳокими Фарҳод Эрманов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Мурат Камалов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Қаҳрамон Сариев ва бошқалар иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққанлар, мазкур иншоот нафақат икки ҳудуд, балки мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўз мухбириимиз.

48 та ёш оила янги уйга кўчиб кирди



Фарғона шаҳридаги «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғинида «Ёшлар уйи» фойдаланишга топширилди.

Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган ёш оилалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари асосида уйлар қуриб берилмоқда. Бу эзгу савий-ҳаракатлар юксак ғамхўрликнинг ёрқин

ифодаси сифатида қалбларда чексиз миннатдорлик туйғусини уйғотаяпти. Жумладан, вилоятда 2019-2020 йилларда 110 та шундай уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилгани юксак эътибордан далолатдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил

27 августдаги «Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоят марказида бунёд этилган 48 хонадондан иборат «Ёшлар уйи» ана шу ишларнинг узвий давомидир. «Far stoq group» хусусий корхонаси томонидан қурилган уйга 4,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. Мазкур уйларнинг очилиш маросими катта

шодиёна, ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров юртимизда навқирон авлод вакилларига яратилган кенг имкониятлар, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик улар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган эзгу савий-ҳаракатларнинг амалий ифодаси эканлигини таъкидлади. Ёш оилаларга янги уйларнинг калити тантанали топширилди.

Хозирга қадар хонадонларнинг 28 таси ёш оилаларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари асосида ажратилди. Мазкур оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ёшлар иттифоқи томонидан уйни дастлабки бадалнинг 65 фоизигача бўлган қисми молиялаштирилиб берилди. Замонавий меъморлик анъаналари асосида бунёд этилаётган «Ёшлар уйи»да барча шароит мавжуд.

– Шундай шинам икки хонали уй-жойга эга бўлганимиздан беҳад

хурсандимиз, – дейди кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони Абдоржон Бурҳонов. – Ёшларга юксак эътибор қаратиладиган, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган мамлакат дунёда кам топилади. Ўз уйи бор ёшларнинг кўнгли албатта, хотиржам бўлади. Шу боис бунинг қадрига етиб, истиқлолни асраб-авайлашимиз, Ватанимиз равнақиға муносиб ҳисса қўишимиз лозим.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

Янги йил арафасида янги объектлар фойдаланишга топширилди

Пахтачи тумани Самарқанд вилоятининг энг олис ҳудудларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда ушбу туманда ҳам кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, туман маркази ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди. Аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратилмоқда.

Бугун фойдаланишга топширилган бир қатор объектлар Янги йил байрамида пахтачиликларга муносиб совға бўлди.

Жумладан, туман марказида янгидан бунёд этилган кўп тармоқли марказий поликлиникада Пахтачи тумани аҳолисига замонавий тиббий хизматлар кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилган. 2 миллиард 517 миллион сўм маблағ сарфланиб бунёд этилган муассаса 100 қатновга мўлжалланган. Бу ерда 8 нафар умумий амалиёт шифокори ва 26 нафар ўрта тиббиёт ходими фаолият кўрсатади.

Шу пайтгача туманнинг «РАХТАЧИ» газетаси ўтган асрда қурилган, эски бинода фаолият олиб борарди. Жорий йилда туман ҳокимлиги томонидан тахририят учун барча қулайликларга эга шинам бино қуриб берилди. Бугун ушбу маскан ҳам тантанали равишда очилди.

Шунингдек, туман марказида иккита кўп қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди. «Мадина савдо белгиси» хусусий корхонаси томонидан бунёд этилган 5 қаватли бу уйлар 114 хонадонга мўлжалланган. Бир ва икки хонали уйлар барча коммуникация тармоқларига уланган.

Зафаробод туманида замонавий давлат хизматлари маркази биноси фойдаланишга топширилди.

Мазкур даргоҳ Давлат хизматлари агентлиги, маҳаллий бюджет ҳамда ҳомиёлик маблағлари ҳисобига қурилди. Замонавий архитектура ва меъморий дизайнга асосланган иншоот «OSYO SHK» хусусий корхонаси жамоаси томонидан шартномада белгиланган муддатда қуриб битказилди.

Янги бинода аҳоли, тадбиркорлар ва марказ ходимлари учун барча қулайлик яратилган. Бинога кираверишда ташриф буюрувчиларни муассаса ходимлари кутиб олиб, тегишли тартибда электрон навбат асосида хизмат ойнасига йўналтиради. Фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат бериш айнан шу ердан бошланади. Мониторларда давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги янгилıklar, мавжуд тартиб-қоидалар тўғрисидаги роликлар намойиш этилади.

Марказда туман адлия ФХДЭ бўлимлари, нотариус идораси, кутиш зали, болалар майдончаси, кутубхона аҳоли ихтиёрида. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар муносабатларини қўриб чиқиш қабулхонаси, Е-аuction хонаси шу бинода жойлашгани одамларга қулайлик туғдирмоқда.

Туман давлат хизматлари маркази орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 2020 йилнинг ўтган ўн бир ойи давомида 9 минг 415 та хизмат кўрсатилди. Янги бинода хизмат кўрсатиш сифати янада ошиб, бу кўрсаткичлар сони икки баробарга ошиши кўзда тутилган.

Тантанали очилиш маросимидан сўнг йигилганлар марказда яратилган шароитлар билан қўнғандан танишди.

Ҳозиргача вилоятдаги 13 та давлат хизматлари марказидан 10 таси янги бинога эга бўлди. Яна учта туманда қурилаётган ДХМ янги бинолари битиш арафасида.

Ўза Мухбирлари.

Тил – миллатнинг маънавий бойлиги

Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сонли Фармони давлат тилини ривожлантириш йўлидаги яна бир муҳим одим бўлди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказининг Навоий вилояти ҳудудий бўлинмасида ташкил этилган малака ошириш ўқув курсларида шу кунгача 100 нафарга яқин давлат хизматчилари иштирок этиб, сертификатга эга бўлишди. Уларга ўзбек адабий тили меъёрлари, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлоси, давлат тилида иш юритиш асослари, расмий ҳужжатлар ва уларни ёзиш бўйича назарий ҳамда амалий билимлар берилди.

Биринчи босқичда вилоятдаги саноат корхоналари билан шартнома тузилган бўлса, кейинги босқичда ижтимоий соҳа ходимлари малака ошириши назарда тутилган. Шунингдек, ҳар бир фуқаро ўқув курсларида ихтиёрий

иштирок этиши мумкин. Ўқитиш жараёнидаги билим ва тажрибали профессор, фан номзодлари жалб этилган. Дарслар замонавий ўқитиш методлари асосида юқори савияда олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳудудий бўлинма томонидан давлат тили ривожига бағишланган илмий конференциялар, семинарлар ташкил этилгани ўзбек тили мавқеини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Яқинда вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг вилоят филиали, педагогика институти ҳамда малака ошириш маркази ҳамкорлигида «Рақбар кадрларнинг давлат тилини талаб даражасида билиши ва унга ҳурмат билан муносабатда бўлиши – муҳим вазифа» мавзусида 2 кунлик ўқув-семинар ташкил этилди.

Мазкур ўқув семинарда давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар бўлинмалари раҳбарлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этишди. Семинарда филология фанлари доктори А. Холмуродов, филология фанлари бўйича фалсафа фанлари докторлари А. Аллабердиев ҳамда Н. Садинова, филология фанлари номзоди Ў. Ориповнинг маърузалари тингланди.

Иштирокчилар, давлат тилида иш юритишда имло муаммолари, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш масалалари, давлат органлари ва ташкилотларида давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш, ўзбек тили тарихи ва халқаро доирадаги нуфузи ва ижтимоий ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида етарли маълумотга эга бўлишди.

Ҳусниддин СУЮНОВ,
доцент.

2 та эди, 12 та бўлди

Сўнгги йилларда республикаимизда қурилиш йўналишидаги амалиёт кўлами ҳар доимгидан кенгайди. Андижон шаҳрида ҳам 16 қаватли иккита турар жой биноси қад ростлаганида, буни ўзбек қурувчилари барпо этаётганига ҳеч ким ишонмаган эди.



«Бундай баланд иншоотларни фақат хорижлик қурувчилар қура олади» дейишди кўпчилик. Ваҳоланки, бунёдкорлар маҳаллий «Хакан инвест» МЧЖ ишчилари эди.

Бугун вилоятнинг ҳеч бир кўчаси қолмадики, янги турар жой биноси учун қурилиш майдонига айланмаган бўлса. Бир пайтлар 3 қаватдан баланд бўлмаган бинолар қурилишигагина рухсат берилган бўлса, айни пайтда осмонўпар иморатлар қад ростламоқда.

– Бунинг учун Хитой, Туркия каби давлатлар тажрибасига асосланилди, – дейди вилоят ҳокими Шухрат Абдурахмонов. – Хорижлик мутахассислар вилоятда кўп қаватли турар жой бинолари қуриш мумкин бўлган ҳар бир ҳудуднинг ер хусусиятини ўрганиб чиқди. Шунга кўра, бино қанча ба-



ланд бўлса, унинг пойдевори шунга монанд чуқурликда бўлишига аҳамият қаратилди.

Шу пайтгача Андижон шаҳри марказида 2 та 16 қаватли турар жой бинолари қуриб, фойдаланишга топширилган бўлса, айни пайтда вилоят марказининг Шимолий пахтакор кўчасида ҳам ана шу баландликка эга бўлган 12 та кўп қаватли уйлар қурилиши давом этмоқда. Бунёдкорлар шу билан қийинлашмай, мана шу ҳудудда 2021-2022 йилларда яна 8 та 16 қаватли уйлар қуришни режалаштирган. Бундай масъулиятли вазифани «Ўзшаҳар қурилиш инвест» МЧЖ ўз зиммасига олган.

Сўнгги тўрт йилда аҳолини турар жой билан таъминлаш борасидаги ишлар шиддатли тус олди. Мисол учун, 2017 йилда вилоятда 47 та кўп қаватли турар жой бинолари қурилган бўлса, 2020 йилда 141 та ана шундай уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Бу даврда 19 736 та хонадон ўз эгаларига топширилди. 2021 йилдан бу каби ишлар кўлами янада ортади.

Суратда: Андижон шаҳрида бунёд этилган осмонўпар бинолар.

Зиё СИРОҚ,
«O'zbekiston bunyodkori»
мухбири.

Дилдан қилинган меҳнат самараси

«Бўладиган бола бошидан» деган гап бор халқимиз орасида. Ёш аммо ҳамиша зийрак ва чаққон Сарварбек Умаров нафақат ўзи туғилиб ўсган Кўкча маҳалласида меҳнатсеварлиги ва одоби билан, балки таҳсил олаётган Тошкент политехника институтида ҳам ташаббуслари, танлаган соҳасини мукаммал ўзлаштириши-ю, ўзи ишлаб чиққан лойиҳалари, шу йўналишдаги замонавий қурилиш биноларини бунёд этиш юзасидан билдирган таклифлари орқали эътиборга тушганди.

Асосий оразуси қурувчилик соҳасини яхши ўзлаштириб, эл-юртга хизмат қилиш, одамларга орзусидагидек иморатлар қуриб бериш эди. Орадан кўп ўтмай олий даргоҳни тугатиб, оила жамғармаси ҳисобидан қурилиш соҳасига ихтисослашган «Шафотқурилиш» МЧЖни ташкил этганида, оғзига кучи етмаган айрим тенгдошлари «Сарварбек кўрпасига қараб оёқ узатса бўларди», деб кулишди. Аммо у бундай гап-сўзларга эътибор қаратмай, мақсади ва бизнес режасини рўйбга чиқариш сари интилди.

28 нафардан иборат жамоа билан илк бор тендерда иштирок этиб, Тошкент шаҳридаги Мультимедия марказини жорий таъмирлашга киришди. Дастлабки иши жамоаси учун кейинги

фаолиятига замин ҳозирлади. Зиммасидаги ишни тез ва сифатли қилиб бажаришга ҳаракат қилди. Жамоанинг меҳнати ва иш сифатини кўрган корхоналар, яқна тартибдаги тадбиркорлар бирин-кетин буюртма бера бошлашди. Мана шу тариқа жамият жамоаси аста-секин элга танилди. Шу орада ислохотлар ташаббускорининг республикаимизда замонавий қурилиш ҳамда бунёдкорлик ишларини жадал ривожлантиришга йўналтирилган ҳаётбахш қарор ва фармонлари бошқалар қатори «Шафотқурилиш» корхонаси аъзолари учун ҳам мақсадга эришишда дастуриламал бўлди.

Мана тўрт йилдирки, мазкур жамоа юртимизда қурилиш соҳасида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида



фаол иштирок этиб келмоқда. Ўтган йили тендерда қатнашиб, Бекобод шаҳридаги кичик саноат зонасини қилиб ўлаш ишларини кўнгилдагидек бажаргани сабабли буюртмачилар томонидан янги-янги лойиҳалар бўйича талаблар туша бошлади. Шундай лойиҳалардан бири, Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасидан бўлиб, унга кўра, Оққўрғон туманидаги энг чекка қишлоқда замонавий ҚВП қуриб битказиш кўзда тутилганди.

Шаҳарда туриб, салкам 100 километр масофага қатнаб ишлашининг ўзи бўлмаслигини англаган тадбиркор жамият ва унинг банкдаги ҳисоб рақамини шу туманга кўчириб, ишга киришди. Интилганга толе ёр экан. Қурувчиларнинг ўз соҳасига масъулият билан ёндашуви самарасида тўрт ойда 100 нафар кишига мўлжалланган ва ҳар томонлама ихтисослашган ҚВП бунёд этилди. Бу жойда яшовчи аҳоли бунёдкорларнинг меҳнатидан миннатдор. Кейинги босқичда яна шу вилоятнинг Ер-мулк кадастри бошқармаси буюртмаси бўйича мазкур туманда кадастр биносини қуришга киришилди.

2 млрд 200 млн сўмлик харажатлар эвазига ушбу бино ҳам муддатидан аввал қад ростлади.

Чин кўнгилдан меҳнат қилинса, унга қизқувчилар ва ташкилотни изловчилар ҳам шунга лойиқ бўларкан. Бунга «Шафотқурилиш» МЧЖ жамоаси яққол мисолдир. Қурилиш соҳасида тадбиркорликнинг ҳаддисини олган бунёдкорлар аҳоли ҳамда ташкилотлардан тушаётган буюртмаларнинг кўплигидан қўли-қўлига тегмайди. Республика дизайн ва расомчилик институтидаги пардозлаш ишлари, Бекобод шаҳридаги кичик саноат зонасида аҳоли ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган дам олиш маскани, Оққўрғон туманидаги «Хотира майдони», буюм бозорининг иккинчи қаватини қуриш ҳамда пардозлаш сингари юмушлар ана шу жамоанинг сўнгги икки йил оралиғидаги хизматларидан сайқал топди.

– Бунёдкорларнинг саъй-ҳаракатлари ва ўз соҳасини пухта ўзлаштиргани режалаштирган қишлоқ инфраструктураларини кенгайтириб, қурилиш-ободонлаштириш ишларини янада таркиб топтириш, янги ишчи ўринларини яратиш кабиларда муҳим

ўрин тутяпти, – дейди Оққўрғон тумани ҳокими Фарҳод Омонов. – Улар объектларни белгиланган муддатда топшириш баробарида қишлоқ ҳамда туман марказидаги ташландиқ бўлиб ётган жойларда замонавий ландшафтларни бунёд этиб, фуқароларга ҳордиқ чиқариш шароитларини яратишаётганидан мамнунмиз.

Ҳар қандай ишнинг кўлами биринчи навбатда моддий манфаатдорликка ҳам боғлиқ. Бу жиҳатдан жамоада қатъий белгиланган тартиб бор. Агар таққослаб кўрилса, бу рақамларда яққол кўзга ташланади. Масалан, ўтган йили улар 5 млрд сўмдан ортиқ ишларни сифатли бажаришни режалаштиришган бўлса, ҳақиқатда эса 8 млрд сўмлик ишни бажаришган, яқунланаётган йилда бу кўрсаткич 13 млрд сўмдан ортиқни ташкил этмоқда. Умумий даромаднинг сарф-харажатларидан олгани соф фойдага қолмоқда.

Сарварбек Умаровнинг таъкидлашича, жамият уставида белгиланганига кўра, соф даромаднинг бир қисми ишловчиларни меҳнатига яраша моддий рағбатлантиришга йўналтирилади. Қолганлари фаолиятни янада кенгайтириб, қўшимча ишчи ўринларини кўпайтиришга қаратилган. Шулар қаторида ишчиларнинг ойлик иш ҳақи ҳам даромадга қараб белгиланмоқда, яъни 1 млн 600 минг сўмдан 2 млн сўмгача. Булардан ташқари уларнинг таъмирталаб уйлари бўлса, жамият ҳисобидан таъмирлаб берилаяпти, тўй ва маъракаларида қўллаб-қувватланыпти.

Айтиш жоизки, яқинлашиб келаятган Янги йил арафасида жамоа ҳар галгидан ҳам кўпроқ тер тўкиб ишламоқда. Бунинг сабаби, оққўрғонликларга Янги йил совғаси сифатида яна бир муҳим кошонани туҳфа этишни ният қилишган. Айни пайтда асосий юмушлар нихоҳсига етказилган.

Суратларда: корхона раҳбари Сарварбек Умаров ва унинг жамоаси бажарган ишлардан лавҳалар.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.



Риштонлик тадбиркорлар

Ёш тадбиркор Зуфар Мамасолиев бетон деворлар, брусчатка, шлакоблок, қатта-кичик лотоклар каби қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, 30 нафар ишчиси билан ҳудуддаги 2,8 гектар ерни турли чиқиндилардан тозалашга киришди.

Ўз маблағи ҳисобидан фаолиятини бошлаган тадбиркор янги корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан олинган даромад эвазига бетон қориш аппарати олиб, сифатли ва харидор-гир плиталар ишлаб чиқариш ва бу материалларни аҳоли ҳамда қурилиш объектларига етказиб беришни мақсад қилган.

Бизнес режага кўра, сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган «Мусаажон зиё – 2020» фермер хўжалиги раҳбари Нозимжон Эргашев кичик саноат зонасида гидропоника усулида 50 соти ерда ўз ҳисобидан иссиқхона қуриш ишларини якунига етказмоқда.

Шу тариқа тадбиркор янги ишчи ўринлари яратиб, қишнинг халқимиз дастурхонини сархил полиз маҳсулотлари билан тўлдирishга ҳисса қўишини ният қилган.

Зайлобиддин ЙГИТАЛИЕВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Тошкент вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

она Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат
қилаётган юртдошларимизни кириб келаётган


Янги – 2021 йил

билан чин дилдан муборакбод этади.

Янги йил ҳамнализга қутлуғ келиб, кўнглилардаш
эзгу тилаклар, барча режалар рўёбга отсин!
Онад, бахт, қувонч ҳалиша ҳамроҳ бўлсин!

2021





«O'ZSHANARSOZLIK LITI»

давлат унитар корхонаси жамоаси

меҳнатсевар, бунёдкор халқимизни

Янги йил

билан табриклайди.

Барчага узок умр,

бахту саодат,

эзгу ишларида

куч-қувват ва

муваффақиятлар

тилайди.

«QISHLOQQURILISHLOYIHA» MCHJ

бош лойиҳа-қидирув институти жамоаси

*барча юрtdошларимизни, иззал ва бетакфур Ватанимиз ободитини,
халқимиз фаровонлигини йўтида самарали меҳнат қилаётган қурилиш соҳаси
ишчи-ходимларини яқинлашиб келаётган*

Янги йил

байрами билан самимий мувораққод этади.

Ана шундай шукрли кунларда сизларга сизхат-саломатлик тилаймиз.

Хонадонингиздан меҳр-оқибат, файзу барақа афимасин!

Доммо осмонимиз мусоффо, юртимиз тинч бўлсин!

«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI» ДУК
ва унинг филиаллари жамоалари

барча юртдошларимизни

Янги йил

байрами билан самимий муборакбод этиб,
кириб келаётган 2021 йил
мамлакатимиз ва халқимизга улкан муваффақиятлар
келтиришини тилайди.

Юртимизнинг ободлиги, тараққиёти,
халқимизнинг бахт-саодати йўлида олиб бораётган
ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз,
азиз ватандошлар!



Фаровонлик одимлари

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида халқ фаровонлигини оширишга қаратилган ишлар кўлами поёнига етиб бораётган 2020 йилда янада кенгайди.

Маълумотларга кўра, бугун тумандаги 65 та маҳаллада 147 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Туман марказида бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, ҳудуднинг қиёфаси тубдан янгиланди. Амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида туман ҳокими Олимжон Нурматов тўхталиб, ҳудудда кейинги йилларда кўплаб ижтимоий соҳа объектлари, замонавий турар жойлар, тиббиёт муассасалари, таълим ташкилотлари қад кўтарганини эътироф этди.

Маъмурий марказнинг фаолияти йўлга қўйилганига ҳали кўп вақт бўлмади. Барча корхона ва ташкилотлар, идора ва шохобчалар айнан шу шаҳарчада жойлаштирилган. «Уйғур» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган идораларнинг ҳар бири аҳолининг хизматига шай ҳолатга келтирилган. Туман ҳокимлигининг рўпарасида жойлашган Давлат хизматлари маркази биносининг ишга туширилиши натижасида аҳолига бир қатор қўлайликлар яратилди. Бугунги кунда ушбу замонавий бинода 9 нафар ходим аҳолига 140 дан ортиқ турдаги давлат хизматларини кўрсатади.

– Фермер хўжалиги ва қурилиш компаниямиз бор, ДХМга ижара шартномаси юзасидан мурожаат қилдим, – дейди тadbirkor Аъзам Давлатов. – Гувоҳномаларни бу жойдаги ходимлар 10 дақиқада янгилаб беришиди.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза



қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Тумандаги кўп тармоқли поликлиника 1200 нафар аҳолига хизмат қилади. 400 қатновга мўлжалланган поликлиника ҳам янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилиши аҳоли учун байрам олди муносиб туҳфа бўлди. Бугунги кунда туманда 2 та ҚВП ва 8 та ОП фаолият кўрсатади. 2 та ҚВП янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кўркам ва замонавий кўринишда қад ростлаган бинода сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар, тиббиёт жиҳозлари ўрнатилган.

Туман марказида қад ростлаган Зулфия момо ва унинг фарзандларига қўйилган ҳайкал ёшларни ватанпарварлик руҳида вояга етишларида муҳим ўрин тутди. Унга яқин ҳудудда 500 ўринга эга замонавий амфитеатр барпо этилди. Бу ерда турли кўнгло-чар тadbirkorлар, тақдиротлар ва байрам шодиёналари ўтказилади.

Кейинги йилларда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, замонавий инфратузилмага эга ҳудуд барпо этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда 4 та 4 қаватли ва 4 та 7 қаватли уйларни қуриш ишлари жадал суръатларда давом этяпти. 2021 йил учун тасдиқланган режага кўра, яна 5 ва 7 қаватли 10 та уйлар барпо этилади.

Қурилиш ишлари билан бирга йўлларни соз ҳолатга келтириш, аҳоли учун қўлайликлар яратишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Айни кунларда бир неча ҳудудларда Жаҳон тараққиёт банки томонидан ажратилган маблағлар эвазига йўллар мукамал таъмирланмоқда.

Туманда 2020 йилда 658, 5 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилган бўлса, шундан 119,4 миллиард сўми тўғридан тўғри хорижий инвестициялардир. Бугунги кунда туманда 2 496 та ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритиб, уларнинг 299 тасини қурилиш корхоналари ташкил этади. Ушбу корхоналар томонидан ишаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотлари мамлакатимиз ва хориж бозорларига етказиб берилмоқда.

Наргиза МИРЁҚУБОВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

«CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ

бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2021 йил 25 январь куни, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига «DORL-DARMON HCP» МЧЖнинг 2020 йил 23 декабрдаги 75-сонли буюртманомасига асосан жамият тасарруфиди бўлган Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш. Рашидов кўчаси, 40-«А» уй манзилида жойлашган 8 қават ва ертўлали бинонинг 1-қават ва ертўласи бир қисми. **Умумий май-дони** – 470,0 квадрат метр, **фойдали майдони** – 382,05 квадрат метр бўлган дўкон биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 4 120 410 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк 2021 йил 25 январь кундаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йил 9, 24 февраль ва 11, 26 март кунлари, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан буюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида беvosита манзилга чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш

истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

– **юрдик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– **жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

Аукцион савдоларида иштирок этувчи талабгорлардан буюртманом

маларни қабул қилиш расмий иш кунларида (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш куни олдин, соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади.

Закатат пулини тўлаш учун ре-визитлар: «CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ, 2020 8000 1007 5716 6001 AT Xalqbank Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими МФО 01132 СТИР 304 802 952.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34 уй. **Телефон:** 71-205-85-53.

Веб-сайт: www.capitaltrust.uz. *Хизматлар лицензияланган. RR-0298-сонли лицензия.*

«Respublika mulk markazi» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига O'zbekiston Respublikasi Mudofaa sanoati bo'yicha Davlat qo'mitasi huzuridagi «Vostok» ilmiy-ishlab chiqarish birlashmasi davlat unitar korhonasiga tegishli, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 128-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 329 МАА бўлган «NEXIA-1» русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 25 553 000 сўм.

2. 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 327 МАА бўлган «ДАМАС» русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 23 898 000 сўм.

Аукцион савдоси 2021 йил 25 январь куни, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охириг мuddати:** 2021 йил 22 январь куни, соат 16.00 га қадар қабул қилинади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2021 йил 25 январь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси

2021 йилнинг 9-16-23 февраль кунлари, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Аризалар қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир кун олдин, соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини «RMM» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2260 4000 2005 7145 2001 ХАТБ «Давр банк» Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-«А» уй.

Тел.: 71-237-23-86. *001805 рақамли гувоҳнома.*

ЖАРАЁН 7

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги «Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4268-қарорига мувофиқ ҳамда «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти тизимидаги «Навоий Агросервис МТП» МЧЖнинг «Хатирчи Агросервис МТП» МЧЖи устав жамғармасидаги улушлари бўйича «Навоий мулк маркази» МЧЖ очик танлов савдосига таклиф этади!

Очик танлов савдосига «Хатирчи Агросервис МТП» МЧЖнинг устав фондидаги 100 фоиз улуши 2020 йил 23 ноябрдаги 32-сонли буюртманомаси ва жамият қузатув кенгашининг 2020 йил 17 ноябрдаги 4-сонли баённомасига асосан жамият устав жамғармасининг 100 фоиз улуши такроран бозор баҳоси 10 фоизга пасайтирилган ҳолда қўйилмоқда.

Навоий вилояти, Хатирчи тумани, «Парахун» МФЙ ҳудуди, Буюк ипак йўли кўчаси, 31-уй манзилида жойлашган «Хатирчи Агросервис МТП» масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 100 фоиз улуши.

Балансда сақловчи: «Навоий Агросервис МТП» масъулияти чекланган жамияти.

Фаолияти-ихтисослиги: қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига механизация, таъмирлаш ва сервис хизмати кўрсатиш.

Бошланғич нархи – 5 362 157 400 сўм.

Танлов савдосининг асосий шартлари:

1. Танловда республика резидентлари (жисмоний шахслар ва якка тартибдаги ҳамда юридик шахс сифатида фаолият юритувчи тadbirkorлар ва ишбилармонлар) ёки норезидентлари (чет эллик тadbirkorлар ёки уларнинг вакиллари) иштирок этишлари мумкин.

2. Танлов савдосида иштирок этувчи талабгорлар томонидан улуш бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини танловда эълон қилинган ҳисоб рақамига тушириши керак.

3. **Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили савдолар ташкилотчисиغا очик танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган мuddатда шахсан ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:**

– **юрдик шахслар** – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда.

4. **Танлов иштирокчиси ўз бизнес режасида қуйидаги-ларни ёритиши зарур:**

– машина-трактор паркени асосий фаолияти (механизация ва сервис хизмати кўрсатиш) турини ўзгартирмасдан, узлуқсиз самарали ишлашни таъминлаш;

– мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва кенгайтириш;

– машина-трактор паркени мавжуд ишлаб чиқариш потенциални модернизация қилиш, замонавий дастгоҳлар сервис хизматлари турини қўпайтириш ва сифатини яхшилаш, киритиладиган инвестиция бўйича таклиф;

– жамиятдаги бўш ер майдонлари, мавжуд бино ва иншоотларда тadbirkorликни бошқа фаолиятини йўлга қўйиш бўйича аниқ таклифлар, қўшимча инвестиция кири-

тиш бўйича таклифлар, натижада барпо қилинадиган қўшимча иш ўринлари;

– улушнинг бошланғич бозор баҳосидан кам бўлмаган миқдорда энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф қилиш;

– сотиб олиш қийматини энг қисқа мuddатда тўлаш бўйича таклифлар;

– машина-трактор паркни ишчи-хизматчиларининг иш ҳақидан бўлган қарздорликни биринчи навбатда сўндириш бўйича таклифлар;

– иштирокчининг бошқа таклифлари ва уларнинг самардорлиги.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдо ғолибига танлов савдо натижалари ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 (ўн) банк иш куни мuddатида жамиятнинг ягона иштирокчиси билан уч томонлама олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2021 йил 4 январь куни маҳаллий вақт билан соат 11.00 да Навоий вилояти ҳокимлиги маъмурий биносида бошланади. Таклифларни очиш вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашаётган иштирокчилар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Танлов таклифларини қабул қилиш мuddати 2021 йил 4 январь куни, соат 10.00 да тўхтатилади (таклифлар тушмаган тақдирда, танлов савдоси 2021 йил 12 январь, 19 январь ва 26 январь кунлари, соат 11.00 да такроран ўтказилади, такрорий савдога танлов таклифларини қабул қилиш бир кун олдин, соат 18.00 да тўхтатилади).

Талабгорлар улуш бошланғич нархининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан закатат пулини (ариза буюртманома топширилгунига қадар) савдо ташкилотчиси «Navoiy mulk markazi» МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига тўлашлари лозим: 2020 8000 7049 4316 4001 АТИБ «Ипотека-банк» Навоий вилояти филиали МФО 00205 СТИР 302 132 768,

Танлов ғолиби биринчи тўловни улуш бозор қийматининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорини (10 фоиз закатат пулига 20 фоиз қўшимча тўловни) шартнома имзолангандан сўнг, узоғи билан бир ой мuddатда амалга ошириши, қолган 70 фоизини беш йилгача бўлган мuddатда бўлиб тўлаши мумкин.

Маълумот учун: «Navoiy mulk markazi» МЧЖ Навоий шаҳри, Исрол Каримов шоҳкўчаси, 98-уй ёнида жойлашган.

Телефон: 99-758-45-35.

Веб-сайт: www.rmm.uz.

1605 рақамли гувоҳнома.

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

Управление капитального строительства и ремонта ГУФ и МТО МВД Республики Узбекистан ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕР по объекту:

№	Наименование объекта	Предельная стоимость		Срок строительства
		БЕЗ учета НДС	С учетом НДС	
1.	Строительство специального участка на прилегающей территории КИМ-12 в г. Зарафшан Навоийской области	32 749 926 800	37 662 415 820	19 месяцев

Заказчик: Управление капитального строительства и ремонта ГУФ и МТО МВД Республики Узбекистан.

Расположенный по адресу: г. Ташкент, ул. Ш. Руставели, тупик, 1, дом, 1.

Источник финансирования: осуществляется за счёт средств Государственного бюджета.

Предприятия и организации, выступающие в качестве участников, должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета тендера или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалисты, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных тендерному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в тендере отечественных и зарубежных строительных организаций следующие тендерных предложений предусматриваются следующие ценовые предпочтения для отечественных подрядчиков: при проведении оценки тендерных предложений участников тендерные предложения с импортной поставкой работ

(услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в тендере участникам необходимо обратиться с запросом в Навоийской областной консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по адресу: г. Навои, ул. Зарапетян, 10.

Телефон: 79-220-50-03.

Электронная почта: navoiy-tender@mail.ru.

Тендерную документацию можно скачать в специальном информационном портале <http://dxarid.uzex.uz>.

Предложения принимаются по адресу: г. Навои, ул. Зарапетян, 10.

Телефон: 79-220-50-03.

Крайний срок представления предложений – до истечения 30 календарных дней после публикации объявления на специальном информационном портале.

Вскрытие предложений состоится по адресу: УВД Навоийской области МВД Республики Узбекистан, г. Навои, ул. Навои, 27, не менее чем через 30 дней после опубликования объявления в специальном информационном портале.



ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ТЕНДЕР ЭЪЛОНЛАРИНИ МУНТАЗАМ КУЗАТИБ БОРИШНИ ИСТАСАНГИЗ «O‘ZBEKISTON BUNYODKORI» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Тел.: 71-244-21-71, 71-244-15-13. Факс: 71-244-40-68, 71-244-05-15. Эл.почта: uzbunyodkori@gmail.com

Обуна индекси **466**



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИГА ПРЕСС-ТУР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

«Қишлоқ қурилиш банк» – фаровон ҳаётингиз хизматарида!

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июнда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4366-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, банк тизимида очиқлик ва самарали ахборот сиёсатини амалга ошириш чоралари қўрилмоқда.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш, банк кредитлари молиявий кўмагида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларни ва филиаллар фаолиятини ёритиш мақсадида АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Қашқадарё вилоятига навбатдаги пресс-тур ташкил этилди. Унда 20 га яқин оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Вилоятда айни вақтда «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Қашқадарё минтақавий филиали, Кўкдала ва Яккабоғ филиаллари мижозларга қатор банк хизматларини кўрсатмоқда. Пресс-тур доирасида журналистларга вилоятдаги банк тузилмалари эришаётган иқтисодий кўрсаткичлар ҳақида маълумот берилди. Хусусан, хизмат кўрсатишга жорий қилинаётган замонавий қўлайликлар, янги тақлиф этилаётган хизмат турлари ва мижозлар учун яратилган шароитлар билан атрофлича танишилди. Қўрилаётган чоралар натижасида хизматлар кўлами кенгайиб, банк мижозлари сони муттасил ошиб бораётгани қайд этилди.

Дастлаб журналистлар Қашқадарё вилоятида банк молиявий кўмагида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар билан танишдилар.

Илк манзил Яккабоғ туманида фаолият юритаётган АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Яккабоғ филиалининг мижози – «Чиройли мебель» МЧЖнинг мебель ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишдилар. Тумanning «Жамбул» МФЙ ҳудудида жойлашган корхонада замонавий мебеллар тайёрлаш йўлга қўйилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 1,5 млрд сўм бўлиб, шундан 700 млн сўми банк кредити ҳисобига молиялаштирилган. Бу ерда йилгига 6 000 м² ҳажмдаги юмшоқ мебеллар, ошхона ва меҳмонхона, офис мебеллари, стол-стул каби 20 хил тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Хом ашё шартнома асосида олиб келинаётгани боис, келгусида шу ернинг



ўзида ДСП ишлаб чиқариш бўйича лойиҳа тайёрланган.

Шу кунга қадар олиб келинган усуналар учун АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» кредитлари жалб этилган. Келгусида ҳам банк молиявий кўмагида янги лойиҳалар учун усуналар харид қилиш устида иш олиб борилмоқда. Корхонада маҳаллий ёшлар учун фаолиятни кенгайтириш билан ҳамоҳанг равишда иш ўринлари сонини янада ошириб бориш кўзда тутилган. Банк томонидан бундай ташаббуслар мун



тазам қўллаб-қувватлашиб келинмоқда. Қишлоқ ҳудудида жойлашган мўъжазгина корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнлари ва тайёр маҳсулотлар пресс-тур иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Шундан сўнг Пресс-тур иштирокчилари «Делта ФБС технологик групп» МЧЖда бўлишди. Банкнинг мазкур мижози ПВХдан дераза тоқчалари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 2,3 млн АҚШ доллари бўлиб, шундан 200 минг АҚШ доллари «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан йўналтирилган. Банк сармояси ҳисобига сифатли қурилиш моллари ишлаб



чиқарилиб, мижозларга тақдим этиб келинмоқда. Ташкил қилинган корхонада йилгига 1 600 погонметр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Лойиҳа доирасида 15 та доимий иш ўрни яратилган.

Республика ҳудудларида банк инфратузилмалари тармоғи кенгаймоқда ва банк филиаллари замонавий банк технологиялари билан жиҳозланмоқда.

Банкнинг Қашқадарё минтақавий филиали янги маъмурий бинода иш бошлагани ҳам бу борада қўрилаётган чоралар маҳсулидир. Янги бионинг очилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда вилоят ҳокимлиги, банк бошқаруви масъуллари ҳамда пресс-турга тақлиф этилган оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Унда сўзга чиққан АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» бошқаруви раиси ўринбосари Бобохон Бобоқонов, Қашқадарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ўткир Бўтаев ва бошқалар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон банк тизимида амалга оширилаётган изчил айриб олаш ва янгиланишлар «Банк – мижоз учун» тамойили асосида банклар фаолиятини янги босқичга олиб чиқаётганини эътироф этдилар.

«Қишлоқ қурилиш банк» Қашқадарё минтақавий филиали учун фойдаланишга топширилган янги бинода яратилган қўлайликлар ҳисобига эндиликда банк мижозлари бухгалтерия ҳисоб-китоблари, валюта айриб олаш, пул ўтказмалари ҳамда турли тўловлар билан боғлиқ зарур хизматлардан шу ернинг ўзида фойдаланиш имкониятига эга бўлишди. Электрон навбат тизимининг мавжудлиги эса банк ходимлари ва мижозлар учун қўшимча қўлайлик яратади. Филиалнинг замонавий банк технологиялари билан жиҳозлангани эса, сифатли хизмат кўрсатиш имкониятини оширади.

Бугунги кунда Қашқадарё минтақавий филиалида 5200 дан ортиқ юридик шахсларга хизмат кўрсатилмоқда. Филиал орқали 72000 дан ортиқ фуқаролар банк карталарида фойдаланиб келмоқда. Шунингдек, вилоятда «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Кўкдала ва Яккабоғ филиаллари ҳам мижозларга хизматлар кўрсатмоқда.

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» келгусида ҳам ўз инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштириш орқали мижозлар ишончини қозонишга, тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантиришга ва аҳоли даромадларини оширишга интилади. Бу борадаги фаолият натижалари бўйича республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам мунтазам равишда пресс-турлар ташкил этиш режалаштирилган.

Банк ахборот хизмати.



Армон (Бағуҳа)

Касбим муҳандис бўлгани учун қурилиш майдонларидан бефарқ ўтиб кетолмайман. У ерда кечадагидан жараёнларни ипидан игнасигача биламан. Шундоқ лойиҳа таҳлилини кўлтиққа урганча қаватма-қават чопқиллаб кетгим келаверади. Лекин начора... соҳадан чиқиб кетганман. Аммо бу менга осон бўлмаган, севган касбиндан воз кечиш қадрдон уйдан бошқа манзилларга кўчиб кетишдай гап. Очиғи, мени шароит касбимга бегона қилган.

Ҳозир ҳам прораб ўртоқларим билан соҳага оид гурунглار қиламиз. Уларнинг замонавий биносозлик ҳақидаги гапларини жон қулоғим билан тинглайман ва айни аснода ичимдан бир нарсани узилиб кетгандай бўлади. Кўксимни афсус булутли чулғайди: бекор ташлаган эканман.

Сўнг ўзимга тасалли ахтараман. У замонлар ишлаш жуда қийин эди! Бизнинг ПМК (механизациялашган кўчма колонна)га 5 та ўртамиёна объект бириктирилган бўларди. Эрталаб иккита бригадага бош бўлиб, ўша объектлардан бирига чиқиб кетардим. Бино қуришнинг ўзи бўладими! Минг хил чора керак, ўшаларнинг биттаси топилмади қолса ҳам, иш жойида таққа тўхтарди. Раҳбарият билан рация орқали боғланардик. Муаммони бақира-чақира тушунтирдик. Жавобига бир дунё танбех билан дакки эшитиб, охирида хулосавий «йўриқнома»ни олардик: «Бугунча рабобийларни бир амаллаб андармон қилиб турунг, эртагаёқ материалларни етказиб беришади». Шу беозоргина «эртагаёқ» сўзидан безиллаб қолгандик. Қурилиш материалининг ишлаб чиқарувчидан истеймолчиға етиб келгунича қанча «йўл босиб» ўтишини мутахассис сифатида яхши билардим. Лекин начора...

Тоштемир Менглибоев деган прораб ўртоғим бор. Сурхондарёдаги «Учқизил Бинокор-Файз» фирмасида ишлайди. Ҳозир Термиз шаҳрида тўққиз қаватли турак жой қурилишига бошлиқ.

Объектига гурунг истаб борсам, фақат икки оғиз аҳвол сўрашишга фурсат топади. Сўнг хижолатомуз жимлайганча «узр» ишорасини қилади-да, ишига шўнгийди. Ўзимда ачинганлик қиёфасини зоҳир қилсам-да, ич-ичимдан ҳавасим келади унга. Ахир, дунёда «вақтим йўқ» дегучилардан-да бахтлироқ одам борми! Унинг айтишича, қўлида 80 нафарга яқин бола ишларкан. Уларни ишга тур деб қисташ ортиқча, фақат лойиҳа билан яхшилаб таништирсанг бас. Материал эса пешма-пеш келиб туради. Фирма (ҳў бир замонлардаги каби) бетон ташувчи машинанинг йўлига кўз тикиб ўтирмайди. Ўзларида бетон аралаштирувчи қурилма бор.

Пардоз ва буюқ ишлари учун зарур маҳсулотларни фирма қошидаги кичик корхоналар етказиб беришади. Темир-бетон конструкцияларни ўз вақтида етказиб беришга ихтисослашган фирмалар билан тегишли шартномалари бор. Материал бир соат ҳам кечикмайди.

Прораб бўлган йилларимда «қурилиш материаллари» деган бирикма тилга олиниши билан кайфиятим ўзгарадиган бўлиб қолганди. Масалан, қабул қилиб оладиган маҳсулотимизга қўшимча 20 фоизгача «бўйнимизга» олардик. Кейин уни қаерга тикиштиришни билмай роса терга ботардик. Ахир, смета, лойиҳа

деган гаплар бор. Бу ҳужжатларнинг доирасидан чиқиб бўлмасди.

«Бўйнимиздаги» материалдан бир амаллаб қўтулардик. Лекин ой охир бўлаверган сайин 50 нафар «рабобий»га иш ҳақи топиб бериш масаласи кўндаланг бўларди. Ҳар бир қилинган ишни ёзиб борардим, албатта. Лекин уларнинг ҳаммасини йиғсангиз ҳам бир «рабобий»га ойлик бўлмасди. Ҳозирги каби «Ишчи билан эркин шартнома» асосида тарғиб белгилаш учига чиққан қонун-бузарлик ҳисобланарди.

Масалан, бир квадрат метр қумсувоқ 31 тийин турарди (ҳозир эса шароитга қараб тўлашади). Икки хонани (100 квадрат метр) қумсувоқ қилиш учун 31 сўм белгиланарди (ҳозир шу ҳажмдаги ишни бажариш учун фирмалар 1 200 000 сўмга яқин пул беракан). Шу иш ҳам аксар ҳолларда тўхтаб қоларди. Кейин биз «прораб»лар наряд варағи устида бош чангаллаб ўтирдик.

Тоштемир ўртоғимдан сўрайман: «Ҳозир битта объектни топшириш учун икки йил кетадими?» «Йўғ-е! – дейди у, – кунлар илиқлашиши билан янги буюртмалар оламиз. Қатъий режа тузиб оламиз. Ишни шундай ташқиллаштирмамизки, йилнинг иссиқ-иққасларидан ташқарида бўладиган ишларни яқунлаб оламиз. Қўзғи-қўшқи мавсумда эса сувоқ, пардоз ишларини бажарамиз. Шунинг учун йил бўйи иш тўхтамайди. Беш қаватли биноларни узоғи билан бир йилда топширамиз».

Биз ишлаган даврларда «календарный график» деган чизма бўлгучи эди. Унда йилнинг ҳар бир кунинда бажарилиши кўзда тутилган ишлар рўйхати тузиларди. Лекин унга риюа қилиш мушкул бўлган. Биз объект-ма-объект «кўчиб» юрардик. Қиш кунлариди «панелларни монтаж қилишга» тўғри келарди. Бёззан эса ёзнинг чилласида нафас қайтган кўйи пол билан эшик-деразаларни бўёб қилиб қардик. Изгирилни кунларда биноларнинг томини ёпишга мажбур бўлганмиз. Ўйлаб қарасам, қуриб битказилган бинони «эгасига», яъни буюртмачига топшириш учун ойлаб вақтимиз кетарди. Битта ҳаммомни тугал топшириш учун уч йил югурганмиз...

Қурилиш майдонларидан ҳавасли нигоҳларимни узолмай ўтишимнинг синоатларидан бири – шу.

Ҳозир Термиз шаҳрининг қайси кўчасига бош суқманг, қурилиш майдончасининг устидан чиқасиз. Бинолар худди эрталардагидек шитоб билан қад ростламоқда. Эҳтимол, мен ҳам улардан бир нечовининг бунёдкори бўлган бўлар эдим, йиллар ўтиб невараларимга мақтанардим: «Термизнинг шундай гўзал ва замонавий шаҳарга айланишида менинг ҳам ҳиссам бор», деб...

**Турдимурод МУСТАФОЕВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

Кичкинтойларга янги йил совғаси

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидаги энг чекка қишлоқларидан бири – Олчин маҳалласида «Уста Эргашали Аҳмедов» МЧЖ томонидан «Моҳинур Мухлиса зиё» нодавлат мактабгача таълим ташкилоти Янги йил арафасида қуриб, фойдаланишга топширилди.

120 ўринли ушбу муассасада болажонлар асосан инглиз тили йўналиши бўйича тарбияланади. 20 та тарбияланувчи имтиёзли равишда бепул қатнайд.

Қарийб 2 миллиард сўм маблағ сарфланиб барпо этилган муассасанинг очилиш маросимида вилоят ҳокими вазифини бажарувчи Шавкатжон Абдураззақов иштирок этди ва маҳалла аҳлини шундай

ажойиб даргоҳнинг фойдаланишга топширилиши билан қўтлаб, болаларга Янги йил совғаларини улашди.

Айтиш керакки, туманда оилавий боғчалар сони 133 тага, нодавлатлари 3 тага, давлат мактабгача таълим ташкилотлари эса 43 тага етди.

Ўз мухбирими.



**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
Йўналиш-Йўналишга Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир хайъати:

Батир Закиров (Таҳрир хайъати раиси),
Қозим Тўлаганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Мағрулов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Таҳрират:

Бош муҳаррир
Бош муҳаррир ўринбосари
Саҳифаловчи
Мусаҳҳиҳ

Дилшод Жалолов
Абдусами Ҳабердиев
Акмал Махкамов
Райҳон Таниқулова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсанаяққурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШҚИЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозлиқЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангментЛИТИ» ДУК.

Таҳрират манзили:

100011, Тошкент шаҳри, Абай қўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (юстиция), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbyunodkori@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича: 97-459-74-85.
Андижон вилояти бўйича: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти бўйича: 99-705-50-15.
Жиззах вилояти бўйича: 99-525-30-05.
Навоий вилояти бўйича: 99-731-17-40.
Наманган вилояти бўйича: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти бўйича: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти бўйича: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти бўйича: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-1253.
2089 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2. Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоиси келишилган нархда.
ISSN 2181-8762. Таҳриратга келган кўпезамалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Тўрон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – А. Ҳабердиев.
Навбатчи – Б. Гулямов.

ЎЗА яқини – 2150. Топширилди – 2315.

12 3 4 5 6